

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИ  
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТЛЕУМУРАТОВА БИБИГУЛЬ САРЫБАЕВНА**

**ОРОЛБЎЙИ ЭКОТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРНИНГ  
ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИГА ТАЪСИРИНИ МАТЕМАТИК  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**11.00.04 – метеорология, климатология, агрометеорология**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Физика-математика фанлари буйича фан доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)  
по физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc)  
on physical and mathematical sciences**

**Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна**

Оролбўйи экотизимидаги трансформацияларнинг  
тупроқ-иқлим шароитларига таъсирини математик  
моделлаштириш.....3

**Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна**

Математическое моделирование влияния трансформаций  
Экосистемы Приаралья на почвенно-климатические условия.....29

**Teumuratova Bibigul Saribaevna**

Mathematical modelling of influence of Priaralie ecosystem's transformations  
on soil-climatic conditions.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....57

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИ  
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ТЛЕУМУРАТОВА БИБИГУЛЬ САРЫБАЕВНА**

**ОРОЛЬЎЙИ ЭКОТИЗИМИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРНИНГ  
ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИГА ТАЪСИРИНИ МАТЕМАТИК  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**11.00.04 – метеорология, климатология, агрометеорология**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/FM47 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.meteo.uz](http://www.meteo.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Арушанов Михаил Львович**  
география фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаев Аъло Каюмходжаевич**  
география фанлари доктори

**Равшанов Нормаммад**  
техника фанлари доктори, профессор

**Утеулиев Ниетбай**  
физика-математика фанлари доктори,  
профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-текшириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.G47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел: (+99871) 2358512, факс: (+99871) 2371313, e-mail: [nigmi@albatros.uz](mailto:nigmi@albatros.uz)).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-текшириш институтининг Илмий-техника кутубхонасида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел: (+99871) 2358512, факс: (+99871) 2371313.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**В.Е.Чуб**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, г.ф.д.

**Б.Э.Нишонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

**С.В.Мягков**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёнинг арид минтақаларида иқлим ўзгариши атроф-муҳит ва агроиқлимий ресурслар билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашувига сабаб бўлмоқда. Минтақалар иқлимининг ўзгариши ва атмосферада кум-туз кўчишини кучайиши каби салбий оқибатлар дунё ҳамжамияти, жумладан илмий марказларнинг Орол денгизи ҳалокатига катта эътибор қаратишига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Орол муаммосини ҳал этишнинг давлатларaro аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилган: «Денгизнинг қуриши оқибатларини енгиш учун бугунги кунда халқаро кучларнинг фаол бирлашуви зарур. Биз жорий йилда Орол инқирозидан жабр чеккан аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича қабул қилинган БМТнинг махсус дастурининг тўлиқ амалга оширилишини қўллаб-қувватлаймиз»<sup>1</sup>.

Жаҳонда иқлим ва экотизимлар орасидаги ўзаро боғлиқларни тадқиқ қилишга, жумладан иқлим ўзгариши ва экологик трансформацияларнинг табиий ресурслар ва қишлоқ хўжалигига таъсирини баҳолашга, иқлим ўзгаришига мослашиш тадбирларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга, экологик ўзгаришларни олдини олишга ва биологик хилма-хилликнинг камайишини бартараф қилишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, дунё миқёсида, иқлимий ва экологик ўзгаришларни математик моделлаштириш, йирик сув ҳавзаларининг қуриган тубидан туз-чанг кўчишининг атроф муҳит ва экотизимларга таъсирини ҳамда метеорологик омилларнинг атмосфера ҳавосини ифлосланишига таъсирини баҳолаш, бундай таъсирларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Республикамызда Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи минтақасининг экологик, ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш борасида муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалиги ва одамлар ҳаёт фоалиятини ривожланишига иқлимнинг глобал ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чоралар»<sup>2</sup> кўриш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан агроиқлимий ресурсларнинг гидрорежим ўзгаришларига сезувчанлигини, Оролбўйи минтақасида ўсимлик қоплами майдонини камайиши ва бошқа экологик ўзгаришларни тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи» газетаси 20.09.2017 йил №179(6901) сон.

<sup>2</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Халқ сўзи газетаси. 8.02.2017 йил №28(6722) сон.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 18 январдаги «2017-2018 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича Давлат дастури ҳақида»ги ПҚ-2731-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги «2015-2018 йилларда Орол фожиаси таъсирини юмшатиш, қайта тиклаш ва Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чораларнинг комплекс дастури ҳақида»ги 255-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар таракқиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнологиялар, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси», VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Экологик ўзгаришлар ва уларнинг минтақавий ва глобал даражадаги иқлим ўзгариши билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: West Michigan University (АҚШ), Institute of Geobotany, University of Hannover (Германия), Метеорологик тадқиқотлар миллий маркази CNRM (Франция), National University of Singapore (Сингапур), Арид ҳудудларни тадқиқ қилиш маркази (Япония), Беларуссия давлат университети (Белоруссия), РФ ФА Экспериментал метеорология институти, РФ ФА География институти, РФ ФА Океанология институти (Россия), Қозоғистон иқлим ва атроф-муҳит мониторинги илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон) ва Гидрометеорология хизмати маркази Гидрометеорология илмий текшириш институтида олиб борилмоқда.

Экологик ва иқлимий ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини моделлаштириш ва иқлим ўзгаришининг сценарийларини яратиш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: гидрологик циклнинг ва атмосфера циркуляциясининг иқлим ўзгаришига боғлиқ динамикаси аниқланган (West Michigan University, США), Европада сўнгги ўнйилликларда иқлим ўзгариши ва фенологик ўзгаришларнинг корреляцион боғлиқлиги аниқланган (Institute of Geobotany, University of Hannover, Германия), «downscaling» усулида иқлим ва ер сатҳи орасидаги ўзаро таъсир модели яратилган (CNRM, Франция), иқлим ўзгаришлари ва ботқоқларнинг қуриши орасидаги боғланишни ҳисобга олувчи кўп факторли модель яратилган (Белоруссия давлат университети), метеорологик омилларнинг атмосфера ҳавосини тупроқ, антропоген ва бошқа аэрозоллар билан ифлосланишига таъсирини моделлаш амалга оширилган (РФ ФА ЭМИ, Россия), Орол денгизидаги экогидрологик жараёнларнинг ўзгаришлари ва термохалин стратификация

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.nature.com>, <http://science.sciencemag.org/>, <https://onlinelibrary.wiley.com/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

динамикаси аниқланган (РФ ФА Океанология институти, Россия), денгиз қуришидан ҳосил бўлган майдонларда туз тўпланишининг ва ландшафтлар пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган (РФ ФА География институти, Россия), Орол денгизининг геоморфологик модели ва денгиз қуришидан ҳосил бўлган майдонлардан тузларнинг тарқалишини эмпирик формулалари ишлаб чиқилган (ҚозИАММИТИ, Қозоғистон), Оролбўйи минтақасининг иқлимий характеристикаларининг ўзгаришлари динамикаси аниқланган ва минтақавий иқлимий сценарийлар прогнозлари ишлаб чиқилган (ГМИТИ, Ўзбекистон).

Дунёда иқлим ўзгариши натижасида экотизимлар трансформациясини ва агроиқлимий ресурсларни баҳолаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўрмонлар йўқолиб кетиши таъсирида иқлим ўзгаришларини моделлаштириш ва прогноз қилиш, экотизим компонентлари ва иқлим ўзгаришининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, иқлим ўзгариши натижасида тупроқ шўрланиши ва чўлланишига қарши кураш усуллари ишлаб чиқиш, тарихий экотизим шароитларни ҳисобга олган ҳолда экологик қайта тиклаш усуллари ишлаб чиқиш, масофадан кузатиш асосида атроф муҳит мониторинги комплекс усуллари такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Оролбўйидаги экологик ўзгаришларни ва уларнинг атроф муҳит ҳолатига таъсирини ўрганиш билан ҳар хил даврда чет эл олимлари Ю. Шутцер, С. Брук, П.П. Миклин, Дж. Ф.Крето, Ф.Папа, Т. Ресслъ ва бошқалар шуғулланганлар<sup>4</sup>. Мазкур йўналиш бўйича илмий тадқиқотларнинг аксарияти Россия (Л.С.Берг, А.С.Кесь, Л.К.Блинов, И.П.Герасимов, А.А.Григорьев, В.Б.Липатов, Б.Г.Вагер, З.М.Утина, Н.М.Богданова, В.П.Костюченко, П.О.Завьялов, Н.М.Новикова<sup>5</sup>), Қозоғистон (М.А.Орлова, О.Е.Семенов, О.С.Галаева, И.В.Каипов) ва Ўзбекистон олимлари (А.А.Рафиков, Г.А.Толкачева, С.К.Кабулов, И.В.Рубанов, В.А.Духовный, В.Е.Чуб, Ф.Х.Хикматов, Э.И.Чембарисов, О.И.Субботина, С.Г.Чанышева, Р.М.Раззаков ва бошқалар<sup>6</sup>) томонидан олиб борилган.

Ушбу олимларнинг тадқиқотлари натижасида Орол ва Оролбўйи геоэкотизимлари ўзгаришларининг динамикаси ўрганилган, тупроқ-грунт таркибини ўрганиш ва уларни хариталаш, қуриган денгиз тубидан тузларнинг тарқалиши, фитоценозлар динамикасини таҳлили бўйича ишлар амалга оширилган, гидрологик ва гидрохимик жараёнлар аниқланган, Орол денгизининг термохалин структураси ва биотик ҳолати ўрганилган. Бу тадқиқотларнинг кўпчилиги тавсифий характерга эга бўлиб, уларда катта

---

<sup>4</sup> Micklin P.P.. The Aral Sea crisis // In: J.C.J. Nihoul: P.O. Zavialov, and P.P. Micklin. Dying and Dead Seas / Kluwer, 2004.-pp. 99-123.

<sup>5</sup> Novikova N.M. Contemporary plant and soil cover changes in the Amudarya and Syrdarya river deltas /В сб. Ecological research and monitoring of the Aral Sea. UNESCO– 1998. – pp.100 – 128.

<sup>6</sup> Чуб В.Е, Чанышева С.Г., Никулина С.П., Спекторман Т.Ю., Субботина О.И. Разработка региональных климатических сценариев. Информация об исполнении Узбекистаном своих обязательств по Конвенции ООН об изменении климата // Бюллетень №1.– Ташкент: САНИГМИ, 1999.– С.5–14.

ҳажмдаги материаллар тўпланган. Шу билан бирга, содир бўлаётган экологик трансформацияларнинг тупроқ-иқлим шароитларига тизимли таъсирининг даражаси ва тенденциясини аниқлаш ҳозирги замон Орол ва Оролбўйи геоэкологиясида энг кам ўрганилган ва мураккаб муаммоларнинг бири бўлиб қолмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Жанубий Оролбўйи экотизимидаги ўзгаришларга иқлим таъсирчанлигини математик моделлаштириш» (2003-2007йй.), А7-040-«Орол денгизи тубида туз тўпланиш механизмлари ва суғориладиган майдонларга тузларнинг тарқалишини прогнозлаш ва тадқиқ қилиш учун электрон хариталар ҳамда математик модел тизимларини ишлаб чиқиш» (2006-2008йй.), ФА-Ф6-Т032-«Жанубий Оролбўйи экотизимининг тузли аэрозол билан ифлосланишининг минтақавий иқлимга таъсири жиҳатида математик моделлаштириш усуллари билан тадқиқ қилиш ва прогнозлаш» (2007-2011йй.), ФА-А2-Г0062-«Мураккаб экологик жараёнларни моделлаштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни Оролбўйи экотизими трансформацияларининг Қорақалпоғистондаги тупроқ-иқлим шароитларига таъсири моделини тузиш учун қўллаш» (2012-2014йй.), Ф.12-14-«Орол денгизининг қуриб қолган тубида туз тўпланиш динамикасини математик моделлаштириш усуллари билан тадқиқ қилиш» (2014-2015 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Оролбўйи экотизими трансформацияларининг минтақавий иқлим ва тупроқларнинг шўрланишига таъсири динамикасини аниқлаш ҳамда математик моделлаштириш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадқиқот жараёнларини тизимлаштириш ва моделлаштириш объектини аниқ белгилаб олиш имконини берувчи мураккаб экометеорологик жараёнларни тизимли моделлаштириш концепциясини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган концепция асосида MIDACS (Macromodel of influence of drying Aral on climate and salinization) имитация моделини ва уни амалга ошириш дастурлари мажмуини тузиш;

MIDACS таркибига кирадиган қуйидаги модель блокларни ишлаб чиқиш:

Орол денгизи сув-туз режимининг динамикаси ва унинг Оролбўйи иқлимига таъсири;

денгизнинг қуриб қолган қисмида шўрхок майдонлар пайдо бўлиши ва тупроқ шўрланиши генезиси ва динамикаси;

ўсимлик қатлами трансформациясининг тупроқ шўрланишига ва «ер усти қатлами – атмосфера» тизимида иссиқлик ва намлик алмашишига таъсири;

тузли аэрозолнинг тупроқ-иқлим шароитларига таъсири;



MIDACSни амалга ошириш натижалари бўйича тадқиқ қилинаётган мураккаб экологик-метеорологик жараённинг (МЭМЖ) асосий қонуниятларини аниқлаш ва МЭМЖнинг тахлилий моделини тузиш;

экологик ўзгаришлар динамикасини ва уларнинг Жанубий Оролбўйида ерларнинг шўрланиши ва иқлим ўзгариши жараёнларига таъсирини экстраполяция қилиш орқали 2030 йилгача прогноз моделини тузиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Оролбўйи ҳудудида содир бўлаётган ўзаро таъсир қилувчи экологик ва тупроқ-иқлим жараёнларидан иборат мураккаб экологик-метеорологик жараён (МЭМЖ) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Оролбўйи тупроқ-иқлим шароитларига таъсир натижаларининг экологик омиллар трансформацияси даражасига боғлиқлигини, кўрсатилган боғлиқликнинг ретроспектив (1966-2005 йй.) динамикасини аниқлаш ва 2030 йилгача прогноз баҳолаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда математик физика усуллари, рақамли усуллар, математик статистика усуллари, атмосфера физикаси, тупроқ физикаси, метеорология, иқлимшунослик, гидрология, экология ва геоботаника усуллари кўлланган ҳолда тизимли моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ мураккаб экологик-метеорологик жараёнлар(МЭМЖ)нинг оддий эволюцион жараёнларнинг тезликларидан фарқланиши, динамикасининг ночизиқлиги, жараёнлар орасидаги циклик рекурсив боғлиқликларнинг мавжудлиги ва майдон-вақт ўлчамларининг кенг диапазонда ўзгариши каби хусусиятлари аниқланган;

экологик ва иқлимий ўзгаришлар динамикасини баҳолаш учун мураккаб экологик-метеорологик жараёнларни моделлаштириш усуллари моделлаш жараёнига информатсион-статистик ва бошқарувчи блоklarни ва маълумотлар релятив базасини ташкиллаштириш босқичларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

минтақа миқёсида экологик трансформацияларнинг тупроқ-иқлим шароитларига таъсирини имитацияловчи MIDACS модели ишлаб чиқилган;

денгизнинг қуриган тубида тузларнинг тўпланиши ва тузлар кўчишининг иқлимий кўрсаткичларга (ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ёғинларнинг йиллик миқдори ва минерализациясига) таъсири аниқланган;

Оролбўйи тупроқ-иқлим шароитларининг экологик трансформация шаклидаги ўзгаришининг 2030 йилгача прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Орол денгизи сув-туз режимининг кўп йиллик динамикаси ва унинг Оролбўйи иқлимига таъсири қонуниятлари аниқланган;

денгизнинг қуриган тубидаги шўрхок майдонлардаги тупроқ шўрланиши генезиси ва динамикаси қонуниятлари аниқланган ва тенгламалар орқали ифодаланган;

тузли аэрозолнинг тупроқ-иқлим шароитларига таъсири миқдорий баҳоланган;

ўсимлик қатламининг тупроқ шўрланишига ва «ер усти қатлами – атмосфера» тизимида иссиқлик ва намлик алмашишига буфер таъсири баҳоланган;

MIDACSни амалга ошириш натижалари бўйича МЭМЖнинг аналитик модели яратилган;

2030 йилгача бўлган даврда Жанубий Оролбўйида экологик ўзгаришлар динамикаси ва уларнинг шўрланиш ва иқлим ўзгариши жараёнларига таъсири прогнозларининг миқдорий баҳолашлари олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишлаб чиқилган моделларнинг адекватлигини верификациялаш, ратификациялаш ва Сайерт методлари ёрдамида текшириш ҳамда стандарт агрометеорологик, масофадан кузатиш маълумотларидан фойдаланиш, моделлаштириш натижаларини ўхшаш жараёнлар учун бошқа тадқиқотчилар олган натижаларга мос келишини текшириш йўли билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалардан экологик муаммоларни юқори даражадаги мувофиқлик билан моделлаштириш ҳамда экологик ҳолатни яхшилаш бўйича минтақавий ҳуқуқий, меъёрий-услубий ва ташкилий-тартибий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Орол денгизининг қуриши ва тузларнинг кўчишини эътиборга олган ҳолда тупроқлар шўрланиши ва иқлим ўзгаришининг миқдорий баҳоларидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадли дастурларини ва экологик қайта тиклаш чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Экологик трансформациялар ва уларнинг тупроқ-иқлим шароитларига таъсири бўйича олиб борилган диссертация тадқиқотлари натижалари асосида:

МЭМЖ моделлаштириш натижалари сифатидаги ўсимлик қатламининг тупроқларнинг шўрланишига таъсирининг миқдорий баҳолари ва ўсимликларнинг қопланишига боғлиқ равишда буфер таъсири регрессия тенгламалари Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 03/04-1648-сон маълумотномаси). Натижада умумдавлат дастурларини Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий хусусиятларига мослаштириш имконини берган;

Орол денгизининг қуриган тубидан тузларнинг кўчишининг ва тупроқ-иқлимий шароитлари ўзгаришларининг прогноз баҳолашлар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 27 ноябрдаги 03/04-1648-сон маълумотномаси). Натижада прогноз баҳолашлардан фойдаланиш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича узоқ муддатли ва ўрта муддатли

тадбирлар режаларига ўзгартиришлар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

*MIDACS* макромоделининг Жанубий Оролбўйида экологик-иқлимий ўзгаришларнинг фазовий ва вақт бўйича тарқалиши бўйича натижаларидан Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан минтақанинг табиий муҳити ҳолати ва потенциални ўрта муддатли прогнозлаш учун фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2018 йил 11 январдаги ТХ-01/01-1-39-сон маълумотномаси). Натижада атроф муҳит мониторингини кучайтириш зарур бўлган туманларни аниқлаш ҳамда Қорақалпоғистон табиий муҳити ҳолатини ва потенциални аниқ баҳолаш имконини берган;

Орол денгизининг қуриган тубидан тузларнинг кўчиши аэродинамикасини моделлаштиришнинг натижалари Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2018 йил 11 январдаги ТХ-01/01-1-39-сон маълумотномаси). Натижада туз кўчишидан ҳимоялаш бўйича лойиҳаларга тузатишлар киритиш ва Орол денгизи қуриган тубида ўрмонлар яратиш бўйича лойиҳаларни илмий асослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш, шулардан 4 та монография (3 таси ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 7 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади ва қўйилган вазифалар мазмуни, тадқиқот методлари очиб берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ва янгилиги кўрсатилган, ҳимояга олиб чиқиладиган режалар баён этилган.

Диссертациянинг «**Мураккаб экология - метеорологик жараёнларни тизимли моделлаштириш**» деб номланган биринчи бобида муаммолар доирасига тегишли моделлар таҳлил қилинган, мазкур тадқиқотда тизимли таҳлилни қўллаш асослаб берилган, мураккаб экологик-метеорологик жараёнларни тизимли моделлаштириш концепцияси баён этилган.

Тадқиқотнинг аниқ мантиқий ва таркибий асосини, мураккаб муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган тизимли методлар ва воситалар мажмуини, шунингдек, қўлланиладиган терминологияни кўрсатиб бериш тизимли тадқиқотнинг зарур атрибути ҳисобланади. Шу мақсадда биз томондан мураккаб экометеорологик жараёнларни тизимли моделлаштиришнинг тақдим қилинаётган концепцияси ишлаб чиқилди.

МЭМЖни тизимли моделлаштириш концепциясидаги муҳим режа шундан иборатки, биз моделлаштиришни умуман тадқиқот жараёни сифатида фарз қиламиз. МЭМЖни тизимли моделлаштиришда иккита аспект ажратилади: *конструкцион ва тадқиқот аспекти*. Конструкцион аспектда тизимли моделлаштириш ДТ моделини ва уни машинада амалга ошириш воситаларини тузишдан иборат. Тадқиқот аспекти тузилган моделдан фойдаланиш орқали ДТ ишлаш қонуниятларини аниқлашни, ҳисоблаш экспериментлари натижаларини тушуниб олиш, умумлаштириш ва физикавий воқелик терминларида интерпретация қилишни назарда тутди.

Ҳисоблаш жараёнини оптимал ташкиллаштириш махсус унификацияланган модуллар тузиш йўли билан *информацион-статистик блокдаги (ИСБ)* барча қўшимча функцияларни концентрация қилишдан иборат. Бу модел дастурларида бир хилдаги тузилмавий бирликларнинг такрорланишига йўл қўймайди. *Бошқарув блокни (ББ)* тузиш МЭМЖни моделлаштиришнинг нафақат мумкин бўлган, балки зарур элементи ҳам ҳисобланади.

Шундай қилиб, МЭМЖнинг машина модели - бу учта категорияга ажратиладиган дастурлар тизимидир: модел блоклар (МБ), ИСБ ва ББ.

МЭМЖнинг машина моделини амалга ошириш давомида олинган ҳисоблаш маълумотлари одатда жараёнлар динамикаси ва уларнинг ўзаро алоқалари тўғрисида аниқ ахборотга эга эмас. Шунинг учун МЭМЖ элементлари ва умуман тизимнинг ишлаш қонуниятларини аниқлаш учун чиқиш маълумотларини қўшимча ишлаб чиқиш талаб қилинади. Аниқланган қонуниятлар формаллаштирилиши лозим, бу математик тарзда кўрсатилган боғлиқлик турларини классификация қилишга ёрдам беради. МЭМЖнинг формаллаштирилган тузилиши тенгламалар тизими сифатида тадқиқот объекти тўғрисида тўлиқроқ тушунча беради, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияларини яққол кўрсатади. Бундан ташқари, прогноз қилиш мақсадида кейинчалик МЭМЖни имитация қилиш ва моделлаштириш натижаларининг амалий қулайлиги учун ҳам формаллаштириш зарур бўлади. Машина моделини амалга ошириш давомида олинган, МЭМЖ жараёнлари орасидаги энг муҳим ўзаро боғлиқликнинг аналитик кўриниши бўлмиш тенгламалар мажмуи сифатидаги МЭМЖнинг формаллаштирилган тузилишини биз *МЭМЖ нинг аналитик модели* деб атаёмиз.


МЭМЖнинг имитацион модели унинг тузилишини нафақат сон жиҳатидан, балки прогноз қилиш мақсадида ҳам тузилади. МЭМЖ машина моделининг тузулмавий жадвали истиқболдаги факторлар ҳолати мажмуини акс эттиради ва у *МЭМЖ нинг прогноз модели* деб номланади.

Ўзаро боғлиқ факторлар тизими сифатида прогноз фонини аниқлаш у ёки бу иқлим кўрсаткичларининг ўзгариши тавсифининг ( $\Xi$ ) мураккаб функция жадвалидаги прогноз қилиш вақтига боғлиқ эканини кўрсатишга ёрдам беради:  $\Delta\Xi = F(f_n(f_{n-1} \dots (f_2(f_1(t))))$ , бунда  $f_i$  функциялари факторларнинг сабаб-натija қатори динамикасининг апроксимацияси ҳисобланади.

Иккинчи боб «Оролбўйи экотизими трансформацияларининг тупроқ-иқлим шароитларига таъсири моделини концептуаллаштириш» деб номланган ва унда тадқиқ қилинаётган МЭМЖ моделининг умумлаштирилган баёни берилган: қабул қилинган соддалаштиришлар, модел тузилиши, моделлаштиришнинг макон-замон доираси. Бошқарув блокларининг ишлаши сифатида макроалгоритм батафсил баён этилган, ахборот-статистик блокнинг айрим фрагментлари келтирилган.


Тадқиқ қилинаётган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларни келтириб чиқарувчи экотизим трансформациялари 2.1-расмда келтирилган.

Концептуал даражада кўриб чиқилган жараёнлар тизими модел кўринишида қўйидаги ўзаро боғланган моделлар тизимига ўзгаради: Орол денгизининг иқлимга ва қирғоқ зонасига таъсири модели (модель 1); постақвал қуруқликда шўрхок майдонлар жадвалланиши, шунингдек суғориладиган зонадаги тупроқларнинг шўрланиши модели (модель 2); аэрозолнинг атмосферага кўтарилиши, тузли аэрозолнинг радиацион режимга ва ёғин-сочин пайдо бўлишига таъсири модели (модель 3); ўсимлик қатламининг иқлим ва тупроқ шўрланишига таъсири модели (модель 4).



2.1.-расм. Орол денгизи ва Оролбўйи геоэкотизимининг моделлаштирилаётган жараёнлари ва трансформацияларининг ўзаро боғлиқлиги схемаси

Ҳар бир модель ўз навбатида кичик моделлардан иборат (2.2-расм). Моделларнинг кўп функциялилиги уларни номлашни қийинлаштиради, шу боис бундан буён биз қисқа қилиб айтиш учун юқорида кўрсатилган рақамларни қўллаймиз, бундан ташқари, макромоделнинг тўлиқ номи ўрнига MIDACS (Macromodel of influence of drying Aral on climate and salinization) аббревиатурасидан фойдаланамиз.



2.2-расм. MIDACS тузилиши

Жанубий Оролбўйида иклим ўзгаришларини келтирилган модель бўйича баҳолаш кўйидаги параметрлар бўйича амалга оширилади: ҳаво ҳароратининг ўзгариши, ҳаво намлиги, ёғин-сочинлар миқдори, шунингдек, ёғин-сочинлар таркибидаги тузларнинг кўпайиши. Юқорида кўрсатилган омиллар келтириб чиқарган тупроқ шўрланишига сонли баҳо бериш тупроқ таркибидаги тузларнинг фоиз ва оғирлик кўрсаткичлари билан ифода қилинади.

Глобал ҳисоб-китоб доирасининг кўлами – 300x400 км (5 км қадам билан). MIDACSнинг ҳар бир кичик модели ўзининг ҳисоб-китоб доирасига эга, уларнинг ҳам вертикал, ҳам горизонтал қадамлари ўлчами у ёки бу кичик моделда кўрилатган жараёнларнинг макон масштабларига боғлиқ.

Моделлаштириш даври иерархик тузилишга эга, бундан кўзланган мақсад – нафақат жараёнларнинг кўп йиллик динамикасини, балки йиллик, шунингдек, имкон қадар мавсумлик, ойлик ёки ўн кунлик динамикани ҳам кузатишдан иборат.

Моделлаштиришнинг глобал даври, ёки 1-босқичдаги моделлаштириш даври ретроспектив (1966-2005йй.) ва перспектив (2030-йилгача) қисмларга ажратилган. Глобал моделлаштиришнинг ретроспектив қисми ўз навбатида

ўн йилликларга бўлинади – 2-босқичдаги моделлаштириш даври (1966-1975, 1976-1985, 1986-1995, 1996-2005йй.). Ва ниҳоят, 3-даражадаги моделлаштириш даври – кичик модел масштабига қараб мавсум, ой ёки декада. Тегишлича, MIDACS бўйича ҳисоблашларнинг бутун ҳажми 1, 2 ва 3-босқичларга ажратилади.

Диссертациянинг «Орол денгизи ва унинг иқлимга таъсири динамикасини математик модели» деб номланган учинчи бобида температура ва ҳавонинг нисбатан намлиги динамикасининг Орол денгизининг қуриш жараёни динамикасига боғлиқлиги акс эттирилган.

Орол денгизининг сув-туз режими динамикасини, қуриб қолган денгиз тубидаги тузлар миқдорини, иқлим ўзгаришига таъсир зоналарини ҳисоблаш учун тегишлича учта кичик моделдан иборат математик модел (модел 1) ишлаб чиқилди.

Балансли-рақамли SEA кичик модели денгизнинг сув-туз режими динамикасини баён қилади. Сув баланси қўйидаги тенглама билан ҳисобланади:

$$\frac{dW}{dt} = D_r + D_d + D_{hl} + S(W) * F_{se} (A/W) - L(W) * F_{sme} . \quad (3.1)$$

Бунда  $W$  – денгиздаги сувнинг умумий миқдори, км<sup>3</sup>;  $D_r$  – дарё оқими (дельтанинг шимолий қисмидаги кўлларга тушадиган сувлар), км<sup>3</sup>/йил;  $D_d$  – коллектор-дренаж оқими, км<sup>3</sup>/йил;  $D_{hl}$  – Устюрт текислигидаги сув горизонтларива куз-қиш мавсумидаги ёғин-сочинлар, км<sup>3</sup>/йил;  $S(W)$  – сув сатҳи майдони, сув ҳавзаси умумий кўламининг эмпирик функцияси ҳисобланади, км<sup>2</sup>;  $F_{se}$  – буғланиш натижасидаги йўқотишлар;  $L(W)$  – сувда эрийдиган тузлар захиралари жадвалланадиган қия қирғоқлик узунлиги;  $F_{sme}$  – қирғоқлик бўйлаб фильтрацион йўқотишлар, км<sup>3</sup>/йил.


Туз балансини ҳисоблаш учун қўйидаги тенглама қўлланилади:

$$\frac{dA}{dt} = C_r \times D_r + C_d \times D_d - L(W) \times \frac{A}{W} \times F_{sme} + S(W) \times C_{eol} , \quad (3.2)$$

бунда  $A$  – Орол денгизидаги минерал тузларнинг умумий миқдори;  $C_r$  – дарё сувидаги тузлар миқдори;  $C_d$  – коллектор-дренаж оқимларидаги тузлар миқдори;  $C_{eol}$  – денгиз бўйидаги шўрхок майдонлардан тузларнинг шамол билан қўтарилиш интенсивлиги.

SEA кичик моделидан фойдаланиш орқали олинган Орол денгизининг ҳисобланган акваториясини дистанцион зондлаш маълумотларига қиёслаш орқали модел сифатининг яхши эканлигини кўриш мумкин (3.1-расм).

SEA кичик моделининг чиқиш маълумотлари – сув тузлилиги ва ҳажми, акватория майдони – SDB ва ZONE кичик моделлари учун кириш маълумотлари сифатида фойдаланилади.



3.1-расм. Денгизнинг ҳисобланган контурларини КФС билан қиёслаш.

SDB кичик модели постаквал қуруқликда қолган тузлар ( $S_d$ ) миқдорини ҳисоблаш учун оддий формула ҳисобланади:

$$S_d = 0,5C_d h_d \operatorname{ctg} \alpha_i \cos \alpha_i,$$

бунда  $h_d$ – денгиз сатҳининг ҳисобланаётган даврда пасайиши,  $\alpha_i$ – денгизнинг қуриб қолган қисми қиялиги,  $C_d$ – Орол денгизи тузлилиги.

3.1-жадвалда SDB кичик модели бўйича ҳисоб-китоблар натижалари келтирилган.

3.1-жадвал.

Постаквал қуруқликда қолган тузлар миқдори

| Ўн йилликлар              | 1966-1975 | 1976-1985 | 1986-1995 | 1996-2005 |
|---------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| Тузлар миқдори (т/га/йил) | 12        | 65        | 74        | 148       |

Орол денгизининг таъсир зоналарини белгилашга хизмат қиладиган ZONE сонли кичик моделида ҳаво оқимининг ҳаракати, ҳарорати ва намлик ўзгариши ёпишқоқ суюқлик гидротермодинамикасининг стационар ва соддалаштирилган тенгламалари тизими билан баён қилинади.

3.2-жадвалда июль ойи учун денгизнинг таъсир зоналарининг кўп йиллик динамикаси акс эттирилган, бунда  $Z_{V_t}$ – Орол денгизининг ҳаво ҳароратига таъсирини,  $Z_{V_w}$ эса – намликка таъсир зонасини англатади.

3.2-жадвал.

Ўн йилликлар бўйича июль ойида Орол денгизининг таъсир зоналари динамикаси

| Ўн йилликлар              | 1966-1975 | 1976-1985 | 1986-1995 | 1996-2005 |
|---------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| $Z_{V_w}$ баландлиги (км) | 3         | 2,8       | 2,4       | 2         |
| $Z_{V_w}$ узунлиги (км)   | 300       | 250       | 150       | 80        |
| $Z_{V_t}$ баландлиги (км) | 3,5       | 3         | 2,5       | 2         |
| $Z_{V_t}$ узунлиги (км)   | 350       | 280       | 190       | 100       |



«Тупроқ шўрланишининг математик модели» деб номланган тўртинчи бобда модел 2 баён қилинган, унинг ёрдамида Орол денгизининг қуриб қолган тубида туз тўпланиши жараёнлари (SALT ва WATER кичик моделлари), шунингдек, туз кўтарилиши оқибатида Жанубий Оролбўйининг бошқа ҳудудларидаги тупроқ шўрланиши (INFILTR кичик модель) тадқиқ этилади.

WATER кичик модели тупроқда намлик кўчиши тенгламасидан иборат:

$$\frac{\partial W}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial z} \left[ K^*(W) \frac{\partial H}{\partial z} \right]; \quad (4.1)$$

$H$ –гидравлик потенциал, см;  $W$ – ҳажмли намлик;  $K^*(W)$  –тупроқнинг гидравлик ўтказувчанлиги, см/сут;

Намлик кўчиши тенгламаси учун намликни  $W(z,0) = W_0(z)$ , ва шартларни дастлабки тақсимлаш вазифаси назарда тутилган

$$z = 0, \quad -K^*(W) \frac{\partial H}{\partial z} = Q_1^*(t); \quad (4.2)$$

$$z = L, \quad -K^*(W) \frac{\partial H}{\partial z} = 0, \quad (4.3)$$

бунда  $Q_1^* = O_c - E_{cm}$  – устки қатлам орқали намлик оқими (см/сут),  $O_c, E_{cm}$  – мос ҳолда ёғин-сочинлар ва суммар буғланиш интенсивлиги; бунда SALT кичик моделида тупроқдаги туз эритмасининг капилляр оқими жараёни моделлаштирилади:

$$\frac{\partial(WC^*)}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial z} \left( D^* \frac{\partial C^*}{\partial z} \right) - \frac{\partial(VC^*)}{\partial z} + f(z,t); \quad V = -K^*(W) \frac{\partial H}{\partial z}; \quad (4.4)$$

$V$  – намлик кўчиши тезлиги;  $C^*$  – ковакча эритмасида тузлар концентрацияси;  $D^* = W(10^{-4} + \lambda_c^*|V|)$ –тупроқдаги туз эритмасининг диффузлиги;  $\lambda_c^*$  – гидродисперсиянинг келтирилган параметри;  $f(z,t)$ –туз манбаларининг функцияси.


(4.4) тенгламаси учун қўйидаги бошланғич ва чегара шартлар қўйилади:

$$C^*(z,0) = C_0(z), \quad (4.5)$$

$$z = 0, \quad D^* \frac{\partial C^*}{\partial z} = VC^*, \quad (4.6)$$

$$z = L, \quad \frac{\partial C^*}{\partial z} = 0; \quad (4.7)$$

Моделни масофавий зондлаш маълумотлари билан верификация қилиш унинг адекват ва постаквал қуруқликда шўрхок майдонлар жадвалланиши бўйича ҳисоб-китобларнинг анча аниқ эканлигини кўрсатди (4.1-расм)



**4.1-расм.** Шўрхоқлар ва мирабилит-галит конденсацияси (қафас) ҳамда юмшоқ шўрхоқларнинг (ташки контур) КФС га нисбатан ўша сана учун (20 апрель 2005 й) ҳисоб-китоб зоналари

INFILTR кичик модели Жанубий Оролбўйи тупроқларининг ёгингарчилик билан ёки суғориш пайтида сульфатли аэрозол инфильтрацияси оқибатида шўрланишини ҳисоблаш учун қўлланилади ва у вертикал инфильтрация тенгламасидан иборат:

$$\frac{\partial \tilde{W}}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial z} \left( \tilde{D} \frac{\partial \tilde{W}}{\partial z} + \tilde{K}_w \frac{\partial \tilde{\Psi}}{\partial z} \right) \quad (4.8)$$

дастлабки шарт  $-\tilde{W}(z,0) = \tilde{W}_0(z)$ . Юқори чегарада намлик тўпланиши шarti  $-\tilde{W}(0,t) = \tilde{W}_s$ , қўйи чегарада эса – ярим чексиз муҳит шarti қўйилади. Бунда  $\Psi$  – гидравлик потенциал;  $\tilde{W}$  – ҳажмли намлик;  $\tilde{K}_w$  – тупроқнинг гидравлик ўтказувчанлиги, см/сут;  $\tilde{D}$  – тупроқдаги туз эритмасининг диффузлиги.

INFILTR кичик модели бўйича апрель ойи учун ҳисоб-китоблар натижалари 4.1-жадвалда келтирилган (мазкур декада учун ёгин-сочин миқдори 1996-2005 йй. учун ўртача килиб келтирилган).

**4.1-жадвал.**

**Тузли аэрозоль инфильтрациясида тупроқ шўрланиши**

|          | Ёгин-сочин миқдори (мм) | Ёгин-сочинлар минерализацияси (мг/л) | Курук ҳолда тушган (кг/га) | Тупроқ шўрланишининг кўтарилиши (%) |
|----------|-------------------------|--------------------------------------|----------------------------|-------------------------------------|
| Чимбой   | 6                       | 197                                  | 87                         | 0,692                               |
| Қўнғирот | 4,5                     | 150                                  | 70                         | 0,511                               |
| Нукус    | 4,3                     | 187                                  | 60                         | 0,419                               |

Диссертациянинг «Туз кўтарилиши ва унинг тупроқ-иқлим шароитларига таъсирини моделлаштириш» деб номланган бешинчи бобида муаллиф томонидан яратилган модел 3 ёрдамида Орол денгизининг қуриб қолган қисмидан туз кўтарилиши ва унинг метеорологик жараёнларига ва тупроқ шўрланишига таъсири тадқиқ қилинган.

SALTTR кичик модели горизонтал бир хиллик шартида  $z > 0$  ярим кенглиги учун тузилган турбулент диффузиянинг стационар полуэмпирик тенгламаси ҳисобланади<sup>7</sup>.

Атмосферанинг оптик қалинлиги ўсиши натижасида тузли аэрозолнинг температура режимига таъсири (1-чи эффект)<sup>8,9</sup>ишларда тавсия қилинган моделлар модификацияси ҳисобланган RAD қисм моделида тадқиқ қилинган.

$$\Delta \Phi = I_0 \eta V^* \Delta \tau \quad (5.1)$$

бу ерда  $\eta$  – трансформация коэффициенти бўлиб, концентрацияни ўсиши натижасида юзага келган йиғилган радиация ўзгариши  $\Delta P$  нинг, горизонтал юзага тиккалай тушувчи радиация ўзгариши  $\Delta I$  га нисбатига тенг,  $\Phi$  – бет яқинидаги ёруғланганлик,  $\Delta \tau = (\nu C)^{0,27}$  – атмосферага аэрозол тушуши таъсирида атмосферанинг оптик қалинлигининг ўзгариши,  $C$  – вертикал устунда мавжуд аэрозолнинг массаси,  $\nu$  – аэрозолнинг хусусиятларидан боғлиқ бўлган пропорционаллик коэффициенти,  $V^* = V \sec i$ .  $\eta$  ва  $V(\tau_0, i)$  функция қийматлари жадвал жадвалида келтирилган<sup>8</sup>.

Булутлар альбедосининг ортиши орқали радиация оқими ўзгаришидаги тузли аэрозолнинг роли қуйидаги тенглама ёрдамида баҳоланади<sup>9</sup>:

$$\frac{1}{T_s} \frac{\partial T_s}{\partial A_c} = \frac{-0,1nF_0}{16(1-0,1n)T_s^4} \quad (5.2)$$

бу ерда  $T_s$  – юзанинг температураси,  $A_c$  – булутлар альбедоси,  $F_0$  – қуёш радиацияси,  $n$  – балларда ифодаланган булутланганлик.

«аэрозоль- булутлар альбедоси» боғланиши механизмини тақалувчи аэрозол бўлакчаларининг конденсацион ўсишида тарқалиш кесимини катталаниши сифатида изохлаш мумкин. Бу эффектни кўп сондаги тадқиқотлар боғланишининг жадвали логарифмлик эканини кўрсатади:

$$A_c = a_1(\lg C + a_2 \lg s), \quad (5.3)$$

Бу ерда  $C$  – аэрозол концентрацияси,  $s$  – аэрозолнинг бўлакчадаги конденсациясини ўсиши учун етарли бўлган тўйинганлик.

Булутлар миқдори  $n$  (бир бирликда) қуйидаги муносабат ёрдамида аниқланади<sup>9</sup>

$$n = af - b,$$

бу ерда  $f$  – нисбий намлик,  $a$  ва  $b$  – юқори ярусдаги булут учун мос равишда 1,73 ва 0,43 қийматларни, ўрта ярусдаги булутлар учун 2 ва 0,7 қийматларни

<sup>7</sup> Глеумуратова Б.С. Математическое моделирование переноса аэрозоля в нижних слоях атмосферы: Дисс... канд. физ.-мат. наук. – Ташкент, 2004. – 138с.

<sup>8</sup> Шифрин К.С., Кокорин А.М., Ламден К.С. и др. Влияние аэрозольного слоя на суммарную радиацию // Метеорология и гидрология. – 1983. – №4. – С.61–66.

<sup>9</sup> Матвеев Л.Т. Теория общей циркуляции атмосферы и климата Земли. – Л.: Гидрометеиздат, 1991. – 296с.

ва куйи ярусдаги булутлар учун 3,33 ва 2,0 қийматларни қабул қилувчи доимий.

RAIN қисм моделида Орол денгизи постаквал куруклигидан кўтарилган тузли аэрозолнинг ёғин-сочин пайдо бўлиши (гетероген конденсация) жараёнларига таъсири ҳисоблаб чиқилган<sup>10</sup>.

$$\left. \begin{aligned} \frac{\partial T}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial z} K_z \frac{\partial T}{\partial z} + \frac{L}{c_p} m, \\ \frac{\partial Q}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial z} K_z \frac{\partial Q}{\partial z} - m, \\ \frac{\partial N_k}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial z} K_z \frac{\partial N_k}{\partial z} - \frac{\partial \Pi_{\Delta}}{\partial z} + m. \end{aligned} \right\} \quad (5.4)$$

$$t=0: T=T_0(z), \quad Q=Q_0(z), \quad N_k=N_0(z);$$

$$z=h_k: T=T_h(t), \quad Q=Q_h(t), \quad N_k=N_h(t);$$

$$z=H_o: T=T_H(t), \quad Q=Q_H(t), \quad N_k=N_H(t),$$

бу ерда  $K_z$  – турбулентли диффузия коэффицент;  $Q$  – ҳавонинг солиштирмали намлиги;  $T$  – ҳаво температураси;  $N_k$  – томчининг оғирлик концентрацияси;  $\Pi_{\Delta}$  – томчи-сууюклик намликнинг гравитацион оқими;  $m$  – сув буғининг конденсация тезлиги;  $h_k$  – конденсация даражаси;  $H_o$  – булутнинг юқори чегараси;  $L$  – конденсациянинг солиштирмали иссиқлиги;  $c_p$  – ҳавонинг солиштирмали иссиқлик ҳажми.

(5.4) тенгламани сонли ечиш учун тоза аниқ эмас консервативли айирмали схема<sup>11</sup> фойдаланилади.

Етарлича гравитация тезлигини олган барча томчилар ер юзасига тушиши шартида, тушган намлик миқдорини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$R(x, y) = \frac{\pi}{3} \int_{h_k}^{H_i} N(x, y, z) \rho_w r^3 dz \quad (5.5)$$

Ёмғирнинг минераллашиши фақатгина нуклеация жараёнида қатнашувчи тузли аэрозол бўлакчалари сонидан эмас, балки атмосферадаги ёмғирда ювилиб тушувчи бўлакчалар сонига ҳам боғлиқ. У ҳолда, ҳисоблаш областидаги  $(x, y)$  нуктадаги ёмғирнинг минераллашишини ( $\Gamma/\text{дм}^3$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формулани ёзиш мумкин:

$$M(x, y) = \frac{1}{R(x, y)} \left[ \int_{h_k}^{H_o} \bar{C} dz + k_m \int_0^{h_k} C(x, y, z) dz \right], \quad (5.6)$$

<sup>10</sup> Twomey S.A. Cloud nucleation in the atmosphere and the influence of nucleus concentration levels in atmospheric physics//J.Phys.Chem. – 1980.–vol.84.–pp.1459–1463.

<sup>11</sup> Калиткин Н.Н. Численные методы. – М.: Наука, 1978. –512с.

бу ерда  $\bar{C}$  – булутдаги конденсация ядроларининг санокли концентрацияси,  $k_m$  – атмосферадаги тузли аэрозол бўлакчаларининг ёмғирда ювилиш коэффициентлари.

RAIN ва RAD кичик моделлари бўйича ретроспектив давр учун олинган ва умумлаштирилган натижалар 5.1-жадвалда келтирилган.

5.1-жадвал

Тузли аэрозоль, йиллик ёғин-сочин миқдори (мм)  
ва ҳаво температурасининг макон-давр динамикаси

|          | 1966-1975 |            |            | 1976-1985 |            |            | 1986-1995 |            |            | 1996-2005 |            |            |
|----------|-----------|------------|------------|-----------|------------|------------|-----------|------------|------------|-----------|------------|------------|
|          | C         | $\Delta t$ | $\Delta R$ | C         | $\Delta t$ | $\Delta R$ | C         | $\Delta t$ | $\Delta R$ | C         | $\Delta t$ | $\Delta R$ |
| <b>М</b> | 1,2       | 0          | 0          | 3         | -0,3       | 0          | 9         | -0,8       | 3,5        | 16        | -1,5       | 5          |
| <b>Қ</b> | 1,8       | -0,2       | 2          | 4,6       | -0,5       | 2          | 13,8      | -1,6       | 6          | 24        | -2         | 8          |
| <b>Ч</b> | 6         | -0,3       | 4          | 15        | -1,3       | 4          | 46        | -2,6       | 11         | 80        | -2,8       | 14         |
| <b>Н</b> | 5         | -0,2       | 3          | 12        | -1         | 3          | 37        | -1,5       | 8          | 64        | -2         | 12         |
| <b>Т</b> | 0,6       | 0          | 0          | 1,5       | -0,1       | 0          | 5         | -0,3       | 2          | 8         | -0,4       | 3          |

Жадвалдаги белгилар: C – тузли аэрозоль концентрацияси,  $\Delta t$  и  $\Delta R$  – тегишлича ҳаво температураси ва йиллик ёғин-сочин миқдорининг ўзгариши; М – Мўйнок, Қ – Қўнғирот, Ч – Чимбой, Н – Нукус, Т – Турткул.

5.1-жадвалдан шундай хулоса чиқариш мумкин: Жанубий Оролбўйида тузли аэрозолнинг ҳарорат режимига ( $\Delta t$ ) таъсири ҳамма жойда кўпайиб бормоқда. Таъсир максимуми Чимбойга тўғри келади, бу тузли аэрозолнинг атмосферада тарқалиши қонуниятларига мос келади.

Олтинчи боб «**Ўсимлик қатламининг иқлимга ва шўрланиш жараёнларига таъсири модели**» деб номланган ва унда Оролбўйидаги ўсимликлар трансформациясининг динамикаси баён қилинган, модель ва ҳисоб-китоблар натижалари келтирилган.

Тўрт қатламли математик модель ишлаб чиқилган ва у тупроқ-ўсимликлар-атмосфера тизимида иссиқлик ва намлик алмашиши жараёнларини акс эттиради (модель 4). Модель қатламларга мос тўртта кичик моделларни ўз ичига олган – VEGETA, AIRTR, PRSA ва GROUND.

Атмосферанинг ер усти қатламида иссиқлик ва намлик оқимларини баён қилиш учун (PRSA кичик модели) Монин-Обухов<sup>12</sup> модели қўлланилади.

AIRTR кичик модели атмосферанинг ер усти қатламининг юқори чегарасидан (h) Н баландлигига (2000 м) бўлган иккинчи қатламга тўғри келади. Ушбу қатлам учун «оддий» (z бўйича бир ўлчамли) тенгламалар қўлланилади, бунда потенциал ҳарорат ва намлик ўзгариши фақат вертикал турбулент алмашиш билан аниқланади деб фарз қилинади.

Тупроқ ва атмосфера билан ўсимлик қатлами ўртасида иссиқлик ва намлик алмашиши жараёнларини акс эттирувчи VEGETA<sup>13</sup> кичик моделининг асосий ўзаро боғланишлари ўсимлик қатламининг юқори ва пастки чегараларидаги ички энергобаланс алоқалари ҳисобланади. Ўсимликлар

<sup>12</sup> Монин А.С., Яглом А.М. Статистическая гидромеханика. В 2-х т. – М.: Наука, 1965.– Т.2.– 640с.

<sup>13</sup> Тлеумуратова Б.С., Бахиев А.Б. Влияние деградации растительности в Приаралье на локальные климатические характеристики//Проблемы освоения пустынь. – 2008. – №2. – С.35–39.

қатламининг иссиқлик ва намлик оқимларининг ўзгариш даражаси проектив коплама  $0 \leq \delta_f \leq 1$  ёрдамида аниқланади.

Тупроқ усти иссиқлик баланси тенгламаси:

$$G + R_n - H_{sg} - L_v e_s = 0 \quad (6.1)$$

жадвалда ёзилади, бу ерда  $R_n$  – ер бетига етиб келувчи радиацион оқим энергиялари (қисқа тўлқинли ва узун тўлқинли) йиғиндиси;  $H_{sg}$  – энтальпия;  $e_s$  – тупроқ бетидан буғланганлик.  $L_v$  – буғланганликнинг яширин иссиқлиги;  $G$  – тупроқдаги иссиқлик оқими.

Радиацион баланс тенгламасида, ўсимликларнинг ички қатламида иссиқликнинг йиғилиши рўй бермайди деб фараз қилинади:

$$\begin{aligned} I_{Sh}^{\nabla} + I_{Lh}^{\nabla} - I_{Sh}^{\Delta} - I_{Lh}^{\Delta} - (I_{Sg}^{\nabla} + I_{Lg}^{\nabla} - I_{Sg}^{\Delta} - I_{Lg}^{\Delta}) = \\ = H_{Sh} - H_{Sg} + L_v (e_v - e_s) \end{aligned} \quad (6.2)$$

(6.2) да  $I_s$  – қисқа тўлқинли радиация оқими,  $I_L$  – узун тўлқинли радиация,  $H_s$  – сезилувчи иссиқлик,  $e_v$  – ўсимликлар транспирацияси,  $e_s$  – тупроқ бетидаги буғланиш. «h» индекс юқори чегарадан оқим йўналишини кўрсатади, «g» индекс – қуйи чегарадан; тенгламанинг чап томонидаги юқори индекслар «Δ», «∇» оқим йўналишини кўрсатади.

Ўсимликлар қатламининг юқори чегарасидан атмосферага иссиқлик оқими тупроқдан ва ўсимликлардан чиқувчи иссиқ оқимлар йиғиндисини билдиради:

$$H_{Sh} = \rho_a c_p c_{Hg} U_{af} (T_g - T_{af}) + 1,1 N_f \rho_a c_f U_{af} c_p (T_f - T_{af}), \quad (6.3)$$

бу ерда  $\rho_a$  – ҳаво зичлиги,  $c_p$  – солиштирмали иссиқлик ҳажми,  $N_f = 7\delta_f$  – барг индекси,  $c_p$  – баргларнинг атроф муҳит билан иссиқлик алмашиниш коэффициентини,  $c_{Hg}$  – ўсимликлар қатлами билан ер орасидаги иссиқлик алмашиниш коэффициентини,  $T_g$  – тупроқ ҳарорати ва  $T_{af}$  – ўсимликлар қатламидаги ҳаво ҳарорати.

GROUND кичик модели тупроқ қатламида иссиқлик ва намликнинг тасқимланишини ҳисоблашга хизмат қилади. Тупроқдаги намликнинг вертикал кўчишини ҳисоблаш учун квазилинияли параболик тенглама қўлланилади.

Орол бўйидаги кўпчилик ландшафтлар турли проектив қатламларга эга 12 та турларга ажратилган. Глобал ҳисоб-китоб майдонининг ҳар бир ячейкасида ушбу ландшафтларнинг бир тури жойлашган деб фараз қилинади. 6.1-жадвалда ҳарорат ва нисбатан намликнинг ўзгаришини ҳисоблаш натижалари декада учун ўрталаштирилиб келтирилган  $\Delta t = t_o - t_p$  ва  $\Delta q = q_p - q_o$  ( $p$  индекси – ўсимликлар мавжудлиги,  $o$  индекси – уларнинг йўқлиги).

## Ўсимликларнинг иқлимга таъсири (июнь ойининг 3-декадаси)

| №Л*                        | 1 | 2 | 3    | 4    | 5    | 6    | 7    | 8    | 9    | 10   | 11   | 12   |
|----------------------------|---|---|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| $\Delta t, ^\circ\text{C}$ | 0 | 0 | 0,05 | 0,19 | 3,59 | 0,10 | 0,30 | 2,49 | 0,91 | 5,21 | 0,48 | 0,13 |
| $\Delta q, \%$             | 0 | 0 | 0,01 | 0,03 | 0,13 | 0,02 | 0,05 | 0,10 | 0,07 | 0,15 | 0,06 | 0,02 |
| $h_t, \text{м}$            | 0 | 0 | 100  | 300  | 1700 | 200  | 400  | 1400 | 1100 | 2000 | 800  | 200  |
| $h_q, \text{м}$            | 0 | 0 | 50   | 200  | 1400 | 100  | 300  | 1100 | 800  | 1700 | 500  | 100  |

№Л\* – ландшафт турининг рақами.

